

2026 йил 4-май

Экологик хавфсизлик ва назорат - доимий эътиборда!



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий тадбирлар режасига мувофиқ, бугун “Аммофос-Максам” АЖ ҳудудида экологик мониторинг ишлари амалга оширилди.



Мазкур тадбирда Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси, вилоят санитария-

эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари бошқармаси мутахассислари иштирок этди.

Мониторинг жараёнида атроф-муҳит ҳолати, ишлаб чиқариш жараёнларининг экологик талабларга мувофиқлиги ҳамда санитария меъёрларига риоя этилиши ўрганилди. Мазкур тадбир экологик хавфсизликни таъминлаш ва юзага келиши мумкин бўлган хавфларнинг олдини олишга қаратилган.



“Аммофос-Максам” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/ekologik-havfsizlik-va-nazorat-doimiy-etiborda>